

№ 01-06/1-2722  
09.11.2020й.

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,  
Энергия самарадорлиги ва қайта  
тикланувчи энергия манбаларини  
ривожлантириш масалалари бўйича  
Республика комиссияси раиси



А. Арипов

2020 йил “ 9 ” ноябрь

Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия  
манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича  
Республика комиссияси мажлисининг  
59 -сон Баёни

2020 йил “ 6 ” ноябрь

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: А.Арипов

Қатнашдилар: Республика комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

### КУН ТАРТИБИ:

2020 йил 9 ой давомида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг  
энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни  
жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш  
тезкор чора-тадбирларининг натижадорлиги ҳамда келгусидаги  
устувор вазифалар тўғрисида

(Арипов, Қўчқоров, Султанов, Ходжаев, Саттаров, Саматов, Арипов)

Йиғилиш таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорига биноан 29 та вазирлик ва  
идоралар таркибидаги йирик энергия истеъмолчилари бўйича 2020-2022  
йилларда 2,4 млрд куб.м табиий газ, 3,3 млрд кВт.с электр энергияси ва 21,1  
минг тонна нефть маҳсулотларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари  
шакллантирилиб, Республика комиссияси мажлисининг 2019 йил 9 декабрдаги  
42-сон Баёни билан тасдиқланган.

Тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга кўра, 2020 йил давомида  
985,3 млн куб.м табиий газ, 938,9 млн кВт.с. электр энергияси ва 6274,3 тонна  
нефть маҳсулотларини тежашнинг ташкилий техник тадбирларини амалга  
оширилмоқда. Хусусан, ўтган 9 ой давомида 668,9 млн куб.м табиий газ,  
612,4 млн кВт.с электр энергияси ва 3186,17 тонна нефть маҳсулотларини  
тежаш назарда тутилган бўлиб, амалда 1040,0 млн куб.м (155,4%) табиий газ,

603,2 млн кВт.с (102,2%) электр энергияси ва 3,9 минг тонна (122,5%) нефть маҳсулотларини тежашга эришилган.

Шунингдек, республика аҳоли хонадонларида 246 кВт қувватли 107 та қуёш фотоэлектрик станциялари ҳамда 1123 Гкал қувватга эга 346 та қуёш сув иситкичлари ўрнатилиб, лойиҳаларнинг умумий қиймати 7313,0 млн сўмни ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сизими кўрсаткичи 2018 йилда 0,1643 коэффициентни, 2019 йилда 0,1463ни ташкил этиб, 2020 йил якуни билан 0,1451 даражасида бўлиши кутилмоқда.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, энергияни кўп сарфлайдиган йирик корхоналар раҳбарлари ва Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон ҳамда 2020 йил 10 июлдаги 4779-сон қарорлари доирасида чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида мажлис **қарор қилади:**

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, энергияни кўп сарфлайдиган йирик корхоналар раҳбарлари ҳамда Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг 2020 йил 9 ойи якунлари бўйича ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Молия вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар, ускуналар ва уларни синаш методларига нисбатан талаблар ўрнатувчи зарур халқаро стандартларни жорий этиш учун талаб этиладиган маблағларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

3. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш орқали маҳсулот таннархини пасайтирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

4. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудларда энергия тежамкорликка эришиш ҳамда барча соҳаларда қайта тикланувчи энергия мабаларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш, энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятининг натижадорлигини оширишни назарда тутган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тажрибасидан келиб чиқиб, ҳокимликлар штат бирлиги доирасида 2-3 нафар ходимдан иборат Энергетика бошқармасини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон қарорига биноан: